Илк бора Султон номини олган Газнавийларнинг буюк хукмдорларидан Султон Махмуд Собуктакин ислом динини ёйиш максадида Хиндистонга ўн саккиз маротаба юришлар уюштирган. У ана шу юришларидан бирида жуда хам каттик каршиликка учрайди ва галаба козониши амри махол бўлиб колади. Худди ана шу кийин вазиятда Аллохга ёлвориб: «Эй Раббим, агар ушбу жангда голиб чиксам кўлга киритганим ўлжаларнинг барчасини факирларга таркатаман» деб ахд килди.

Не бахтки, Султон Махмуд ушбу жангда голиб бўлади ва кутилганидек анча-мунча бойликларни кўлга киритади. Газнага кайтиб келишганда кўлга киритилган бойликларни йўксил ва мухтожларга тарката бошлайди, бирок бу хол баъзи вазир ва амирларга ёкмайди. Улар ўртага тушиб «Эй улуг султон, нималар киляпсиз, ахир шунча хазина, олтинлар, инжулар, дуру жавохирларни факирларга таркатиб бўларканми? Улар хатто буларнинг кийматини хам билмайди. Колаверса, салтанат хазинасининг хам бу бойликларга эхтиёжи йўк эмас», дейишади. Султон мулозимларига бу ишни Аллохга берган ваъдаси учун килаётгани айтади. Лекин амирлар эътироз билдиришади ва «Ундай бўлса, кимматбахо буюмларни олиб колиб, колганларини таркатинг», деб султоннинг бошини айлантириб ташлашади.

Ўша вактда Газнада ўз жони хатарда турган бўлса хам тўгри сўзни айтишдан чекинмайдиган замонасининг олим ва фозил кишиси яшар эди. Султон ўша кишини чакиртириб унга холатни тушунтириб, унинг фикрини сўради. Олим «Султоним, бу ерда сизни иккиланишга мажбур киладиган хеч нарса йўк хаммаси оддий ва аник намоён бўлиб турибди. Агар Аллохга бошка ишим тушмайди десангиз дархол одамларингиз айтганини килинг, бойликларни хазинага кўйинг. Аммо Аллохга яна ишингиз тушадиган бўлса, берган ваъдангизни бажаринг-да, кўлга киритганларингизни фукаронгизга таркатинг», деди.

Ирода Тўрахонова тайёрлади